

# Инсон ва қонун

2021 йил 19 октябрь  
сешанба  
№ 42 (1298)

hudud24

Endi 24 soat siz bilan

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

[fb.com/hudud24official/](https://fb.com/hudud24official/)

[t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official/)

- 📌 Энг сўнги хабарлар
- 📌 Хуқуқий маълумотлар
- 📌 Тахлилий мақолалар
- 📌 Муружаатга жавоблар



11 НАФАР МАНСАБДОР ШАХС  
ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ 4-БЕТ

СУД БОШҚАРУВЧИСИГА  
МУКОФОТ ПУЛИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ 5-БЕТ

ЧИНОВНИКНИНГ  
ЎЛИМИ 8-БЕТ



## БИЗ “ИНСОН ВА ҚОНУН” ГАЗЕТАСИ БИЛАН БИРГАМИЗ!

Бу йилги обуна мавсумида ҳам бизни қўллаб-қувватлаётган Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Нотариал палата, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Юристарлар малакасини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик университети каби ҳамкорларимизга миннатдорчилик билдирамыз.



## “ДАВЛАТ ТИЛИ – МИЛЛАТ ҒУРУРИ”

Адлия вазирлиги томонидан 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Адлиблар хиббонида “Давлат тили – миллат ғурури” шиори остида сайёр қабул ташкил этилиб, байрам тадбири ўтказилди.

Сайёр қабул давомида адлия, давлат хизматлари марказлари, Интеллектуал мулк агентлиги, ФХДЁ, “Мадад” ННТ ходимлари, нотариуслар томонидан аҳолига уларни қийнаб келаётган масалалар юзасидан ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилиб, сайёр хизматлар кўрсатилди.

Тадбир қатнашчилари она тилимиз ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси учун буюк аждо-

димиз Мир Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиб, эҳтиром кўрсатишди.

Мазкур тадбир байрам дастурига ўлашиб, вазирлик ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси вакиллари, ёзувчи, шоирлар томонидан байрам табриги билдирилди.

Хайрия тадбири давомида йиғилган маблағлар Адлия вазирлиги томонидан “Ezdu amal” хайрия жамғармасига ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг саратон касаллигига чалинган фарзандларини даволаш учун топширилди.

Бундай тадбирлар нафақат тилга эътиборни юксалтириш жиҳатидан, балки халқ орасида инсонпарварлик туйғусини кучайтиришда ҳам аҳамиятлидир.



# ДАРЁНИ НЕГА ЗАҲАРЛАДИНГИЗ?!

БУ САВОЛ КИМЛАРГА ҚАРАТИЛГАНИНИ МАҚОЛАНИ ЎҚИБ БИЛИБ ОЛАСИЗ!



3-БЕТ

ДЕМОКРАТИК давлатларда сайловлар давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий воситаси ҳисобланади ва фуқаролар иродаси ифода этилишини кафолатлайди. Конституциямизда бошқа масалалар билан бир қаторда сайлов тизимининг мустақкам конституциявий ҳуқуқий асослари ҳам белгилаб берилган.

## САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Сайлов тизими деганда, у ёки бу мамлакатда давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки олий мансабдор шахсларнинг фуқаролар томонидан сайлаб қўйилиши жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-сиёсий муносабатлар мажмуаси тушунилади.

Конституциямизнинг XXIII боби сайлов тизимига бағишланган. Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир. Ҳуқуқий адабиётларда фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқлари актив сайлов ҳуқуқи, сайланиш ҳуқуқлари эса пассив сайлов ҳуқуқи деб аталади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари актив сайлов ҳуқуқига 18 ёшдан бошлаб эга бўладилар. Пассив сайлов ҳуқуқига эга бўлиш ёши бир хил эмас. Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланиш ҳуқуқига 35 ёшдан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати бўлиб сайланиш ҳуқуқига 25 ёшдан, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари бўлиб сайланиш ҳуқуқига эса 21 ёшдан бошлаб эга бўладилар. Конституцияда сайланиш учун ёшга нисбатан белгиланган талаб билан бир қаторда Ўзбекистон ҳудудида маълум муддат муқим яшаганлик тўғрисидаги талаб ҳам бор. Конституциянинг 90-моддасига биноан эса давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиши мумкин.

Шунингдек, 117-моддага кўра, ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Бу қоида сайловчиларнинг ўзаро тенг овозга эга бўлишини кафолатлайди. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сайловларнинг умумийлиги деганда, сайловларда жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқаддан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган барча фуқароларининг иштирок этиши тушунилади.


Конституциямизда фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустақкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси мамлакатимиз фуқароларининг тенг сайлов ҳуқуқларини кафолатлайди. Ягона истисно шундан иборатки, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Шу жумладан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сайлов тизимининг конституциявий асослари қаторига сайлов муддатлари ҳақидаги нормалар ҳам киряди. Унга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишличилиги уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади. Сайлов кунининг маълум бир санага эмас, балки ҳафта кунига бириктириб қўйилиши бир томондан сайлов кунининг муқимлигини таъминласа, иккинчи томондан сайлов кунининг ҳафтанинг иш кунига тўғри келиб қолиши ва фуқароларнинг сайловдаги иштирокини сусайтиришининг олдини олади.

Сайлов тизимини демократик асосларда ташкил этиш ва таъминлаш, уни халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларига мос равишда Конституция асосида такомиллаштириш жамият ҳаётининг барқарорлигини таъминлайди ва давлатнинг халқаро ҳамжамиятда тугган ўрнини янада юксалтиради.

Умиджон ГИЯЗОВ,  
 Ўзбекистон Республикаси Конституциявий  
 судининг эксперти

# 24 ✓ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОКТЯБРЬ 2021 ЙИЛ САЙЛОВИ



## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

**САЙЛОВ кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади. Демак, 2021 йил 14–20 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муддатидан олдин овоз бериш ўтказилмоқда.**

Муддатидан олдин овоз бериш тартиби Сайлов кодексининг 57-моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунини бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов бюллетени махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради. Конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Сайлов участкаларида сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз беришини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, сайлов участкасида муддатидан олдин овоз бериш вақти соат 9:00 дан соат 19:00 га қадар давом этади.

Сайлов кодексининг 56-моддасига кўра, Ўзбекистон Респуб-

ликасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан келишувларга мувофиқ чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларда муддатидан олдин овоз бериш сайловчининг турган жойида ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурда тузилган участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда сайловчиларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда тузилган сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 9:00 дан соат 19:00га қадар амалга оширилади.

Сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг 12-00 қисқа рақамига, хориждаги ватандошларимиз эса 998 (55) 500-12-00 рақамига қўнғироқ қилишлари мумкин.

Овоз бериш хоналари ёруғ ва кенг бўлиши, алоҳида кириш ва чиқиш жойи бўлиши, шунингдек, уларда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун нишаб йўлқалар назарда тутилган бўлиши лозим.

Сайлов кодексининг 50-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар тегишли тарзда жиҳозланиши ва қуйидагиларга эга бўлиши керак:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг устида ва ичида);
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичида);
- сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавах;а;
- яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари;
- сайлов қутилари;
- зарурат бўлса, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабиналари;
- кузатувчилар учун алоҳида жойлар;
- сайлов санасига бағишланган плакатлар;
- сайлов участкасининг харитаси;
- участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчиликлар жадвали ҳақидаги ахборот;
- сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштирилаётган махсус стенд;
- барча рўйхатга олинган номзодларнинг Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган таржимаи ҳоли ва дастури;
- зарур мебель, офис техника воситалари (телефон, принтер, Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ва Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимига кириш имкониятига эга бўлган компьютерлар, сейф, канцелярия товарлари);
- ёнгина қарши воситалар.

Ҳар бир сайлов иштирокчиси пандемия шароитида овоз бериш тартибини унутмаслиги лозим. Бунда сайловчи овоз бериш биносига киришда ижтимоий масофага риоя қилиши шарт. Бунда икки сайловчи ўртасидаги масофа 1,5-2 метр бўлиши лозим.

Сайловчи бинога киришида тана ҳарорати ўлчанади, унга ҳимоя ниқоби ва тиббий қўлқоп берилади. Қўллари антисептик восита билан дезинфекция қилинади. Сайловчи участка сайлов комиссиясига шахсини тасдиқловчи ҳужжатини очиб кўрсатади, заруратга кўра қисқа муддатга ҳимоя ниқобини очиб, юзини кўрсатади. Сайловда санитария қоидаларга риоя этишининг саломатлигинингизни сақлашда муҳим ҳисобланади.

Жалолиддин УСМОНОВ,  
 Марказий сайлов комиссияси раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси —  
 Марказий сайлов комиссияси матбуот котиби

# ДАРЁНИ НЕГА ЗАҲАРЛАДИНГИЗ?!

БУ САВОЛ КИМЛАРГА ҚАРАТИЛГАНИНИ МАКОЛАНИ ЎҚИБ БИЛИБ ОЛАСИЗ!

АЗАЛ-азалдан сувни ифлослантириш гуноҳ саналган. Аммо кейинги йилларда қадрият даражасига кўтарилган бу мувозанатга путур етказишдан, Оллоҳ берган бебаҳо неъматга, омонатга хиёнат қилишдан тоймаётган одамзод табиатга шафқатсиз муносабати билан ўз келажагига ботла урмоқда ва бу қилмиши билан ҳалокатли жараёнга яқинлашмоқда.

## НАВОЙИДА ТЕХНОГЕН ВОКЕА

Бир неча кундан буён ижтимоий тармоқларда Навоийда техноген воқеа содир бўлганлиги — “Навоийазот” акциядорлик жамияти томонидан Зарафшон дарёсига ҳаёт учун хавфли зарарли моддалар оқибатга, оқибатга балиқлар нобуд бўлгани, улар орасида “Қизил китоб”га киритилган турлар ҳам борлиги ҳақидаги хабар барчанинг диққат марказида.

Аслида Навоий вилоятида шусиз ҳам экологик вазият оғир ва муаммолар етарли эди. Чунки Навоий шаҳри республикамизнинг улкан sanoat марказларидан бири ҳисобланади. Бу “ёрлик”нинг аҳоли учун қимматга тушаётган жиҳатлари ҳам борлигини яширишга ҳолат йўқ. Жумладан, sanoat шаҳридаги экологик муаммолар аҳолини 60 йилдан буён қийнаб келмоқда. Sanoat чиқиндиларининг табиатга, флора ва фаунага, сув ва тупроққа қанчалик катта зиён келтириши эса ҳеч кимга сир эмас. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши турли сурункали касалликларнинг кўпайишига, ногиронликнинг ошишига, жисмонан заиф болалар туғилишига сабаб бўлаётганлиги ўрганиб қолганимизга анча йиллар бўлди...

Тўғрироғи, навоийликлар тоза ҳаводан қачон тўйиб нафас олганини

эслай олмайди. Хонадонлардаги водопровод жўмрақларидан мудом занг сув чиқишига, иссиқ сув ўрнига узоқ вақт совуқ сув келишига аллақачон кўникиб қолган ҳамюртларимизга мана бунақа аччиқ “сюрпризлар” эса ортиқча. Ҳавони ифлослантирганликлари етмаганидек, дарё сувининг бундай тарзда захарланиши виждонсизликдан бошқа нарса эмас. Кечирилмас хиёнат ва оғир жиноятдир.

Инсон ўзи яшаб турган маконни вайрон қилиши, ўзи ичаётган сувни ифлослантириши, ўзи эккан дархтнинг шохини кесиши, ўзи нафас олаётган ҳавони захарлашини ҳеч қандай ҳужжат ённки бирон баҳона билан оқлаб бўлмайди. Бу ёвузликдан ўзга нарса эмас.

## МУТАХАССИС НИМА ДЕЙДИ?

Зарафшон дарёсига нисбатан қилинган бундай хиёнат тафсилотларини билиш мақсадида экология соҳаси мутахассисларга мурожаат қилдик.

Навоий вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш назорат инспекцияси раҳбари ўринбосари Шерали ҒАФУРОВ бу техноген воқеага шундай изох берди:

— Жорий йилнинг 4 октябр кунин соат 11:30 да Навоий вилояти Кармана туманидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси суви кимёвий оқовалар билан ифлослантирилганлиги ҳолати аниқланди. Бу ҳақида бошқарманинг “Ишонч телефони”га кўнғироқ бўлгандан сўнг тезкорлик билан вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси атроф-муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлими (Аналитик лаборатория) Кармана тумани экология инспекцияси инспекторлари ва “Навоийазот” акциядорлик жамиятининг Санитар лабораторияси мутахассислари томонидан дарёнинг 6 та нуқтасига бориб ўрганилганда дарёда ҳар хил турдаги балиқларнинг оммавий захарланиши юзага келганлиги аниқланди. Sanoat қорхоналарининг Зарафшон дарёсига қуйилган сувларидан намуна олинганда “Навоийазот” АЖга қарашли (1-ташлама) 267-қудуқдан олинган намуналар таркибиде азот аммо-

ний 20 маротаба, азот нитрат 2,5 маротаба, азот нитрит 52,5 маротаба, хлоридлар 1,22 маротаба, мис ионлари 2,2 маротаба белгиланган меъёрлардан юқорилиги аниқланган. Такроран 2021 йил 7 октябрда олинган намуналар таҳлили ўрганилганда ҳам, “Навоийазот” АЖга қарашли (1-ташлама) 267-қудуқдан олинган намуналарда азот аммоний 21 маротаба, азот нитрат 2,6 маротаба, азот нитрит 60 маротаба, хлоридлар 1,3 маротаба, мис ионлари 2,1 маротаба белгиланган меъёрлардан юқорилиги аниқланди ва бу ҳақида “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбариятига расмий хат билан мурожаат қилинди. Зудлик билан тезкор гуруҳлар ташкил қилиниб, нобуд бўлган балиқлар саноқдан ўтказилиб, вилоят ветеринария лабораториясига токсикологик таҳлиллар ўтказиш учун юборилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда нобуд бўлган балиқлардан 4 минг 103 донга балиқ дарёдан териб олинди. Шундан 1 минг 659 таси “Қизил китоб”га киритилган Орол сўзан балиғи ҳисобланади. Табиатга етказилган зарар миқдори салкам беш миллиард (4 828,0 миллион) сўмини ташкил қилмоқда. Такроран 2021 йил 9 октябрда Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Кармана тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази, “Навоийазот” қорхонаси вакиллари, вилоят Экология бошқармаси ходимлари иштирокида текширилганда “Навоийазот” қорхонасига қарашли 267-қудуқ 1-ташламасидан оқ рангдаги бадбўй хидли моддалар санитар коллекторига ташланаётганлиги қайд этилди. Олинган намуналар таҳлилига қараганда азот аммоний 17,6 марта, азот нитрат 2,3 марта, азот нитрит 18,5 марта, хлоридлар 1,7 марта юқорилиги аниқланди. Ҳозирда тезкор суриштирув ишлари олиб борилиб, табиатга етказилган зарар ҳамда ифлослантирувчи моддаларни очик сув хавзаларига белгиланган меъёрлардан ортқ окзилганлик ҳолати бўйича компенсация тўловлари ҳисобланмоқда. Тўпланган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

Мутахассислар фикрича, бу техноген ҳолат сабаблари жиддий

ўрганилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Атроф-муҳитга таъсири баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 541-сонли қарорига кўра, “Навоийазот” АЖ атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг 1 тоифаси, яъни юқори даражадаги хавфли объектлар қаторига кириди. Атроф-муҳитга хавф даражаси юқори бўлган бу қорхонадан бунчалик кўп миқдорда хавфли кимёвий моддаларнинг очик табиатга чиқариб юборилиши биринчи галда кўпол қонунбузарлик ва шу билан бирга қорхона томонидан атроф-муҳит муҳофазасига бепасандликдан бошқа нарса эмас!

Ва бу, албатта, экологик жиҳатдан хавфли объектлар томонидан атроф-муҳитга чиқарилаётган sanoat чиқиндилари ҳамда уларнинг зарарини кенг жамоатчилик иштирокида ўрганишлар олиб борилаётганлигидан, жамоатчилик эшитувлари ўтказилаётганлигидан далолатдир.

Зарафшон дарёсини захарланганлар қандай мақсадаги қорхона бўлишидан, давлатга қанчалик наф келтираётган бўлишидан қатъи назар қонун олдида жавоб беришлари шарт!

Айбдорлар жазоланиши, жарима тўлаши, балким мансабидан айрилиши мумкин. Аммо бунинг асоратларини, етказилган талафотларни жазолару жарималар, мансабларни “қурбон” қилишлар билан тўлдириб бўлармикан?

## ТАБИАТНИНГ ҚАЙТАР ДУНЁСИ...

Нега табиатга қилинаётган шафқатсиз муносабат учун табиат биздан ўч олиши ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрмаймиз? Ахир, инсон қўли билан бутун экотизим мувозанатининг издан чиқарилиши турли фожиаларга сабаб бўлаётганлигидан воқифимиз-ку. Бу хавфлар аслида худудда онкологик ва юқумли, тери касалликларининг кўпайишида, болалар ўртасида турли юқумли ичак хаста-

ликларининг камайиётганлигида, энг ачинарлиси, ёш ўсмир қизларнинг хавфли ўсма касалликларига дучор бўлаётганлигида, чақалоқларнинг аксарияти она қорнидаёқ белгисиз хасталикка чалинаётганлигида намоён бўлаётганлигини яшириб бўлмайди.

Огоҳ бўлайлик! Табиатнинг қайтар дунёси ёмонлигини, беомонлигини унутмайлик! Ҳеч бўлмаса, ҳар йили ўзимиз “бошига етган” Орол денгизига яқин бир минг километр ҳудудга 150 миллион тонна туз, кум, чанг аралашмаси ҳаво орқали тарқалаётганлигини эста олиб, хушёр тортайлик!

Баъзи жавобсиз саволлар эса бизга тинчлик бермайди. Хавфли кимёвий моддалар таъсирида ер, сув ва атмосферанинг ифлосланиш ҳолатларини қисқартириш ҳамда экологик жиҳатдан хавфли объектларнинг трансчегаравий таъсирини камайитириш бўйича ҳуқуқий таъсир чораларини кучайитириш учун яна қанча вақт кутиш мумкин?

Қачон атроф-муҳитни меъёридан ортқ ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш орқали уларнинг технологик жараёнларини модернизация қилиш, янги инновацион технологияларни жорий этишининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди? Sanoat ва маиший чиқиндиларни бошқариш соҳаси қачонгача бизга бегона бўлиб қолаверади? Қачонгача авлод-аждодаларимиз, ота-боболаримиз, фарзандларимиз сув ичган дарёларни топ-таймиз?! Қачонгача?!

# АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ ХАЛҚИМИЗ

## ТОШКЕНТ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2021 йил 29 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Республика миқёсида, ҳар бир шаҳар, туман ҳудудида адлия бошқармалари ҳузурида Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.**

## ЯНГИ ТИЗИМ ИШ БОШЛАДИ



Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузуридаги Мирзо Улуғбек туман Юридик хизмат кўрсатиш маркази 2021 йил 4 октябрдан ўз хизмат фаолиятини бошлаб, айна пайтда тумандаги

- Молия бўлими
- Халқ таълими бўлими
- Мактабгача таълим бўлими
- Маданият бўлими
- Тиббиёт бирлашмаси
- Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими
- Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими
- Ободонлаштириш бошқармаси
- Қурилиш бўлими
- Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими каби давлат ташкилотларига юридик хизмат кўрсата бошлади.

Мазкур марказ фаолиятини “Е-Нuqqshunos” электрон тизими орқали ҳужжат алмашиш йўли билан амалга ошириш йўлга қўйилди. Фаолиятни тўғри ҳамда қонуний ташкил этиш мақсадида Адлия вазирлиги масъул ходимлари томонидан ўқув-семинар машғулоти ташкил этилиб, қўлланма ва видеодаРСликлар билан таъминланмоқда.

Тумандаги давлат ташкилотлари масъул ходимларига туман Юридик хизмат кўрсатиш маркази ходимлари “Е-Нuqqshunos” электрон тизимидан фойдаланиш тўғрисида тушунириш ишлари олиб бориши натижа-сида ҳозирда давлат ташкилотлари томонидан қабул қилинган буйруқ, шартнома ва бошқа ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёни самарали йўлга қўйилди.

**С.ҒОҒУРЖОНОВ,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузуридаги Мирзо Улуғбек тумани Юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи



## 11 НАФАР МАНСАБДОР ШАХС ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига кўра, ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартибда сугурталаши шарт.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қондалари”да иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тартиби белгиланган.

Мазкур қонданинг 3-бандига кўра, иш берувчи у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар — жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракт) тузилган санадан бошлаб 15 иш кунидан кечикмай меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлигига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиши шарт.

Ўқорида кўрсатилган қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таҳлил қилиш мақсадида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси

томонидан 200 та давлат ташкилоти ва муассасаларининг бу борадаги ишлари сўров ўтказиш йўли билан ўрганилди.

Таҳлилларга кўра, бир нечта давлат ташкилоти ва муассасалари ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурталамаганлиги аниқланди.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш ишларини амалга оширмадан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган бир нечта таълим ва мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган 5 минг 259 нафар ишчи-ходим сугурталанмаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 492-моддасига кўра, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисидаги қонунчи-

лик талабларини бажармаслик, — фуқароларга базави. ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунга кўра, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш ишларини амалга оширмай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармасига киритилган маъмурий тақлифга кўра, 11 нафар мансабдор шахс МЖТКнинг 49<sup>2</sup>-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, юқоридаги ташкилот ва муассасаларга адлия бошқармаси ва туман адлия бўлимлари томонидан 141 та тақдимома, 50 та огоҳнома киритилди ҳамда 5259 нафар ходимнинг сугурталанишига эришилди.

**Жасур ХУДОЁЕВ,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

## ТОШКЕНТ

## ЎЗ ВАҚТИДА ҚИЛИНМАГАН ИШ...

МИРЗО Улуғбек туманидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 105-сонли мактаб-интернат битирувчиси, тумандаги “Феруза” массивидаги 44-уй 67-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Р.Безменов 2004 йил 10 октябрь куни уй шароитида туғилганлиги сабабли туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома айрим сабабларга кўра расмийлаштирилмасдан қолиб кетган. Бугунги кунда ўн етти ёшга кирган Р.Безменов туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси йўқлиги сабабли бошқа ҳеракли ҳужжатларни ҳам расмийлаштиришда катор кийинчиликларга дуч келаётганлигидан шикоят қилиб туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мазкур мурожаатни ижобий ҳал этиш мақсадида фуқаро Р.Безменовнинг манфаатини кўзлаб юридик аҳамията эга бўлган



фактни белгилаш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг 2021 йил 26 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди.

**О.МАМАНАЗАРОВ,**  
Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими бошлиғи



## 260 миллион сўм устама пули суд орқали ундирилди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2020 йил 18 февралдаги Фармонига асосан 2020 йил 1 июлдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошига 30 фоиз қўшимча устама тўлаш белгиланган.

Навий шаҳар адлия бўлими томонидан шахардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларига мазкур устама пуллари тўланиши ҳолати мониторинг қилинганда, жорий йилнинг июнь ойидан буён мазкур устама ҳақлари тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Ҳисобланган аммо тўлаб берилмаган пул маблағларининг ундирилиши юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, суд томонидан мазкур аризалар тўлиқ қаноатлантирилди.

Навий шаҳар ҳокимлигидан мазкур шахардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари маҳалла ходимларига 260 миллион сўм устама пули ундириш бўйича суд буйруғи чиқарилди.

**Азамат ХОЛМЎМИНОВ,**  
Навий шаҳар адлия бўлими бошлиғи

## СИРДАРЁ

**ФУҚАРО Н.Қурбанбаева ўзи истиқомат қилаётган уй-жойнинг ҳужжатларини расмийлаштириш учун нотариусга мурожаат қилганда, турмуш ўртоғининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома мавжуд бўлмаса, мазкур нотариал ҳаракатни амалга ошириш имкони йўқлигидан хабар топади.**

## ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ҒАР...

Шундан сўнг у турмуш ўртоғи Ф.Қушбаковнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олишда амалий ёрдам сўраб Боёвут туман адлия бўлимига мурожаат қилади.

Аниқланишича, Ф.Қушбаков ҳақиқатан ҳам 2011 йил 4 март куни вафот этган. Бироқ, айрим сабабларга кўра, унинг ўлими кайд этилмасдан қолган.



“Қолган ишга қор ғар” деган нақл бекорга айтилмаган. Ўрганиш жараёнида Давлат хизматлари агентлиги Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси ФХДЁ архиви ҳамда Боёвут туман ФХДЁ бўлими томонидан берилган маълумотномалардан эса 2008-2021 йилларда Ф.Қушбаковнинг ўлими ҳақидаги далолатнома ёзувлари мавжуд эмаслиги аён бўлди.

Боёвут тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан берилган маълумотномага асосан Ф.Қушбаков тумандаги “Уяё” қабристонига дафн этилгани тасдиқланди.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судига киритилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, фуқаро Ф.Қушбаковнинг ўлганлик фактини белгилаш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилди.

**Атабек ХАЛМАТОВ,**  
Боёвут туман адлия бўлими бошлиғи

# ФАОЛИЯТИДАН РОЗИ



БУХОРО

## РАД ЖАВОБИ РАД ЭТИЛДИ

**БУХОРО** шаҳрида яшовчи фуқаро Г.Шарипованинг болаликдан кўриш бўйича II гуруҳ ногирони эканлиги, ўзига тегишли автомашинага асосан болаликдан кўриш бўйича II-гуруҳ ногирони эканлиги аниқланди.

Мурожаатни ўрганиш давомида 1962 йилда туғилган Г.Шарипова ҳақиқатан ҳам, Бухоро шаҳар 1-сон ТМЭК томонидан 1996 йил 21 ноябрда берилган маълумотномага асосан болаликдан кўриш бўйича II-гуруҳ ногирони эканлиги аниқланди.

Шунингдек, Бухоро вилоят ИИБ ЙХХБ томонидан 2015 йил 1 декабрда берилган транспорт

воситасини қайд этиш гувоҳномасига кўра, "Spark M-300" русумли, 80 J 453 КА давлат рақам белгиси бўлган автомашина ҳам Г.Шариповага тегишли. Қизи Г.Жаллиева "В" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиб, унга онаси Г.Шариповага тегишли автомашинани бошқариши учун сўғурта полиси ҳам расмийлаштирилган.

Шунга қарамадан, Бюджетдан

ташқари пенсия жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими томонидан 2021 йил 15 сентябрдаги жавоб хати билан ҳукуматнинг тегишли қароридан автоматотранспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ишончнома бўйича бошқа шахсга берилганда, ойлик пул компенсация олиш ҳуқуқи йўқотилиши белгиланганлиги ҳамда фуқаро Г.Шарипованинг ногиронлиги мавжуд бўлса-да, 2016 йил декабрь ойидан ёшга доир пенсия олиб келаётганлиги сабабли, компенсация пули тўлаш рад қилинган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, Давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

Бундай ҳолатда, фуқаро Г.Шарипованинг болаликдан кўриш бўйича II-гуруҳ ногиронлиги мавжуд бўлса-да, 2016 йил декабрь ойидан ёшга

доир пенсия олиб келаётганлиги сабабли, компенсация пули тўлаш рад қилиниши асоссиз ва қонунга зид саналади.


Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 октябрдаги 223-сонли қарори билан тасдиқланган "Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 3-бандида қайд этилганидек, I ва II гуруҳ болаликдан ногиронлар ҳам ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, пенсия жамғармасининг юқорида қайд қилинган Қарорнинг 5-бандига асосланиб,

автоматотранспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ишончнома бўйича бошқа шахсга берилганда ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқи йўқолишига асосланиши ҳам тамоман қонунга зид. Чунки, фуқаро Г.Шарипова ўзи билан бир манзилда яшайдиган қизи Г.Жаллиевага автомашинани бошқариш учун ҳеч қандай ишончнома расмийлаштириб бермаган.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи номига киритилган тақдимномага асосан фуқаронинг мурожаати ижобий ҳал этилди.

Абдурахимхўжа БАФАЕВ,  
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи




ҚАШҚАДАРЭ

Ишни қилсангу иш ҳақини ололмасанг...

## "Тоза ҳудуд" ходимлари нега иш ҳақини ололмади?

ШАҲРИСАБЗ туманидаги "Мўминобод" маҳалласи, Авазмалик қишлоғида яшовчи фуқаролар "Тоза ҳудуд" ДУК Шаҳрисабз туман филиали томонидан ойлик иш ҳақлари тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб, Қашқадарэ вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган. Мазкур мурожаат бошқарма томонидан қонун доирасида ўрганилиб, Қашқадарэ вилоят "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонасига қонун ҳужжатлари ижросининг бузилиши ва унинг сабаблари ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Тақдимнома ижроси таъминланиб, "Тоза ҳудуд" ДУК Шаҳрисабз туман филиали томонидан 6 нафар фуқарога 14 миллион бир юз минг сўм иш ҳақи тўлаб берилди.

Элнур ИСМОИЛОВ,  
Қашқадарэ вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



ЖИЗЗАХ

## Суд бошқарувчисига МУКОФОТ ПУЛИ ТўЛАБ БЕРИЛДИ

ЖИЗЗАХ вилоят Суд бошқарувчилари ассоциацияси суд бошқарувчиси Ислом Худойбердиев томонидан Янгиобод туманидаги 20 та банкрот корхоналар тугатилиб, туман давлат солиқ инспекциясининг қарори қабул қилинган ва туман Молия бўлимига тақдим этилган. Аммо бунинг эвазига унга тўланиши лозим бўлган мукофот пули тўланмасдан келинаётганлигидан норози бўлиб, маҳаллий бюджетдан тўланиши лозим бўлган 47 миллион 553 минг сўм мукофот пулини ундиришда амалий ёрдам бериши сўраб, Янгиобод туман адлия бўлимига мурожаат қилган. Фуқаро И.Худойбердиев-

нинг мурожаатини ўрганиш жараёнида, ҳақиқатан ҳам унга тўланиши лозим бўлган мукофот пули тўланмаганлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан Суд бошқарувчилари ассоциацияси Жиззах вилоят бўлими манфаатида 47 миллион 553 минг сўм мукофот пулини ундириб бериш юзасидан Зомин туманлараро иқтисодий судига 20 та даъво ариза киритилиб, даъво аризалари Суд бошқарувчилари ассоциацияси Жиззах вилоят бўлими манфаатида қаноатлантирилди.

Жаҳонгир АБДУХОЛИҚОВ,  
Янгиобод туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси



ХОРАЗМ

## ФУҚАРОГА СУБСИДИЯ АСОСИДА ТИКУВ АНЖОМЛАРИ БЕРИЛДИ


ФУҚАРО Д.Худойкулованинг касаначилик билан шугулланиб, ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат курулларини харид қилиш учун субсидия ажратиш берилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан қонун доирасида кўриб чиқилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Урганч шаҳар васийлик кенгаши томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги қарори билан тасдиқланган "Ёшлар дафтари"ни юритиш орқали ёшларнинг муаммоларини тизимли

равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартибга риоя этилмаганлиги аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолати юзасидан "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Урганч шаҳар васийлик кенгашига тақдимнома киритилиб, фуқаро Д.Худойкуловага 9 миллион 250 минг сўмлик тикув машинаси ва "оверлок" машинаси ҳамда дазмол субсидия асосида ажратиш берилди.

Бекзод АТАБАЕВ,  
Хоразм вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



САМАРҚАНД

НАРПАЙ туман адлия бўлимига туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 2-сон давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир гуруҳ ходимлари мурожаат қилиб, ўзларининг ойлик иш ҳақларини ундириб беришда амалий ёрдам сўраган.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИГА мажбурият юклатилди



Аниқланишича, туман мактабгача таълим бўлими мудирининг 2019 йил 1 майдаги буйруғига асосан ушбу мактабгача таълим ташкилотининг фаолияти капитал таъмирлаш мақсадида 2019 йил 1 майдан тўхтатилган ва 2020 йил 31 августдаги буйруғига асосан 2020 йил 1 сентябрдан иш фаолиятини бошлаган. Мазкур давр мобайнида ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинмаган ҳамда Меҳнат кодексининг 150-моддасига асосан уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилмаган. Шунга қарамадан ушбу МТТ ходимларига ушбу давр учун ойлик иш ҳақи тўланмасдан келинган.

Юқоридагиларга асосан туман адлия бўлими томонидан МТТ ходимлари манфаатида судга киритилган даъво аризалари қаноатлантирилиб, мактабгача таълим ташкилоти зиммасига 177 миллион 518 минг 523 сўм миқдоридagi ойлик иш ҳақини тўлаб бериш мажбурияти юклатилди.

Жасур ҚИЛИЧЕВ,  
Нарпай туман адлия бўлими бошлиғи

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ** жорий йил 14 сентябрдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 1-бандига мувофиқ, 2021 йил 1 декабрдан тижорат банкларига етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) учун тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан қабул қилишга қўйилган тақиқ бекор қилиниши; давлат улуши миқдори 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларни етказиб бериш тўғрисида тузиладиган шартномаларида мажбурий равишда олдиндан тўловни белгилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчилари ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда аванси белгилашга доир талаблар ҳам бекор қилинади.

## КЛАСТЕРНИНГ "ОШИҒИ ОЛЧИ" БЎЛМАДИ...



2022 йил 1 январдан бошлаб суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн аукционда сотувга қўйилган мол-мулк уни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан аукцион голибига қарзларсиз ва тақиқлардан очилган ҳолда топширилади.

Шунингдек, намунавий шартномаларни қонуности ҳужжатлари билан тасдиқлаш амалиёти бекор қилинади, қонун билан тўғридан-тўғри тарафлар учун мажбурий бўлган намунавий шартномалар тасдиқлашни назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фармоннинг 7-бандига кўра, фермер хўжаликлари ва тайёрлов ташкилотларига контрактация шартномаларини ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тавсия этилган.

Статистик маълумотларга кўра, Навоий вилоятидаги иқтисодий судлар томонидан 2021 йилнинг ўтган даври мобайнида биринчи инстанция судида 2 минг 413 та иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 1 минг 677 таси, қарийб 70 фоизи шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни ташкил этади.

Шу ўринда бир мисол келтирадиган бўлсак, "И" фермер хўжалиги судга мурожаат қилиб, пахта хом ашёси ва урулғик пахта харид қилиш бўйича контрактация шартномаси бўйича жавобгар "К" масъулияти чекланган жамияти (кластер)дан 388 миллион сўм асосий қарз, 77,5 миллион сўм жарима ва 107 миллион сўм пеня, 38 миллион сўм зарар ундиришни сўраган.

Шартномага асосан етказиб берилган маҳсулот қийматининг 100 фоизи ҳисобидан терим учун юборилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилганидан қолган қисми фермер хўжалигига 2020 йил 31 декабрга қадар тўлаб берилиши белгиланган, фермер хўжалиги томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиб, пахта хом ашёси топширилган бўлса-да, жавобгар кластер 388 миллион сўм пул маблағини ўз вақтида тўлаб бермаган.

Кластернинг "ошиғи олчи" бўлмади. Суд жавобгардан фермер хўжалигига қарздорлик ва пеня ундиришга қарор чиқарди.

**Салимжон АБДУРАСУЛОВ,**  
Навоий вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судьяси

# ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ  
ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ  
ЯНГИЛИКЛАР



## ЭНДИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, РУХСАТ БЕРИШ ВА ХАБАРДОР ҚИЛИШДА ЯНГИ ТАРТИБ- ТАОМИЛЛАР АМАЛ ҚИЛАДИ

ШУ йилнинг 12 октябрь куни "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди. Унга кўра, айрим лицензияланадиган фаолият турлари билан рухсатнома ва хабардор қилиш орқали шуғулланишга рухсат берилганлиги муносабати билан бир қатор қонунларда лицензия талаби бекор қилинди. Шу боис, Жиноят кодекси-га хабардор қилиш ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият билан хабарнома юбормасдан ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлганида жиноий жавобгарликка сабаб бўлишига оид жавобгарлик киритилди.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам мазкур ҳаракатлар учун жавобгарлик чоралари белгиланди. Қолаверса, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунда фармацевтика фаолиятининг тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улгуржи реализация қилиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни яратиш бўйича, илмий-тадқиқот ишлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш ҳамда доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи сотиш йўналишларига лицензия олиш талаб қилинмайдиган бўлди.



## ЯНГИ РАҒБАТ ВА ИМТИЁЗЛАР

Президентимизнинг 2021 йил 6 октябрда қабул қилинган "Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан,

2022 йил 1 январдан ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини танлов савдоларига чиқаришнинг махсус тартиби ўрнатилади. Бунда сотув суммаси ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун бонус суммаси сифатида қаралади ва танлов савдолари ташкилотчиларининг харажатларини чегирган ҳолда республика бюджетига ўтказилади. Шу билан бирга, танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчилари фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини оширилган миқдорда тақлиф қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, 2022 йил 1 январдан фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун ундириладиган тижорат-боп топилма бонуси, фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун ундириладиган имзоли бонус бекор қилинади. 2022 йил 1 январдан эътиборан эса геология-қидирув ва (ёки) изланиш ишлари ўтказиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинadиган ер солиғи солиш объекти ҳисобланмайди, геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови жорий қилинади. Геология-қидирув ишларини амалга оширувчи юридик шахсларга қўшилган қиймат солиғи суммасини қоплаб бериш ариза берилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Жорий йилнинг 1 октябрдан табиий газни экспортта реализация қилишда акциз солиғи ставкаси ноль фоиз миқдорда белгиланди. Юридик шахслар эса, табиий газни Ўзбекистон ҳудудига импорт қилишда божхона божидан озод қилинди.



## ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЯДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 октябрдаги "Худудларда жамоат транспорти фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори йўловчилар учун янада қулайлик яратадиган бўлди. Чунки мазкур қарорга мувофиқ, 2021-2022 йилларда қишлоқни туман маркази билан, туман марказини вилоят маркази билан боғлайдиган жами 310 та янги автобус йўналишлари (шундан шаҳар — 60 та, шаҳар атрофи — 193 та, шаҳарлараро (вилоят ичида) — 57 та) ташкил этилади. Тижорат асосида йўловчилар ташиш хизматини кўрсатадиган ва бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик шахслар (ташувчилар) томонидан шаҳар атрофи ёки вилоят ичидаги шаҳарлараро автобус йўналишида қўриладиган зарар миқдори 30 фоизгача (30 фоиз ҳам шу жумлага қиради)

бўлган йўналиш норентабель автобус йўналиши бўлиб ҳисобга олинади (Тошкент шаҳри бундан мустасно). Ташувчиларга норентабель йўналишлар бўйича тегишли ҳудудий комиссиялар томонидан субсидия ажратилади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тижорат банкларининг Янгиллаш параметрлари доирасида автобус ва микроавтобус хариди учун ажратилadиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 50 фоизгача (50 фоиз ҳам шу жумлага қиради), бироқ 8 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда кафилилик берилadi. Ташувчиларга ажратилган кредит фоиз ставкасининг 5 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилadi.



## "ТЕМИР ДАФТАР", "АЁЛЛАР ДАФТАРИ" ВА "ЁШЛАР ДАФТАРИ"ГА КИРИТИЛГАН ФУҚАРОЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

2021 йил 12 октябр куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг яққа тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низом" шу номдаги 637-сонли қарор билан тасдиқланди. Айна ҳужжатга асосан, кредитлар банклар томонидан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадлилик шартларида берилadi. Кредитлар ёшларнинг алоҳида тоифаларига гаровсиз асосда ажратилади. Бунда тегишлича "Саховат ва кўмак", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" жамғармалари кафилиги тақдим этилади. Кафилилик берилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

Бунинг учун эса қарз олувчилар 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган, янги (иккалла томон учун биринчи мартаба) турмуш қурган бўлиши лозим. Қолаверса, илгари арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредити олмаган бўлиши керак. Шунга кўра, ёшларнинг алоҳида тоифаларига кредитлар бозор ставкасида мижоз хоҳишига кўра 6 ой имтиёзли давр билан, 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга ва бошланғич бадалли яққа тартибдаги хонадонда қўшимча қуриладиган уй-жой қийматининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ҳамда бир қарз олувчига 33 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда берилadi. Тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан сўнг банк 3 иш кунинда ариза берувчига кредит бериш масаласини кўриб чиқadi. Ариза қаноатлантирилган тақдирда, кредит шартномаси имзоланади.

ЖОМБОЙ республикамининг айни пайтда ҳар жиҳатдан юксалиб бораётган туманларидан бири саналади. Хоҳ қўшни туман ва шаҳарлардан, хоҳ мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан келган меҳмон бўлсин, бу ерда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини, одамларнинг юз-кўзидаги мамнунлик ҳамда шукроналикни кўриб тасанно айтмай қолмайди.



— Агар бундан 5 йил олдинги ҳолат билан тақдосласак, бутун мамлакатимизда, шу жумладан, туманимизда ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий-иқтисодий соҳаларни оласизми ёки қишлоқ ҳўжалиги йўналишида дейсизми, ҳуллас барча жабҳада асрга татигулик ишлар қилинаётганига гувоҳ бўласиз, — дейди туман ҳоқими Қано Собиров биз билан сўхбатда. — Қолаверса, яна янгидан-янги режалар белгиланмоқда.

Энг муҳими, ҳамюртларимизнинг энги ва тафаккури ўзгарди, эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда. Бошқача айтганда, Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган халқни, оддий одамларни рози қилиш, "Инсон қадрини унун", деган улғувор ҳаёш мақсад қилиб олинган. Янада қувонарлиси, одамларимиз боқимандалик кайфиятидадан аста-секин халос бўлмоқда.

Туман ҳоқимининг таъкидлашича, ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, бутун республикаимиздаги сингари Жомбойда ҳам иш билан бундан бўлган аҳолининг ақсарият қисми мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Натижада давлат ва маҳаллий бюджетга тушумллар, ободончилик ва бунёдкорлик ишлари, туман иқтисодиётига хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш қўлами кун сайин ортиб бормоқда. Шунга яраша инвестиция дастури асосида бир неча корхоналар

ишга туширилиб, "Жомбой" ёрлиги остида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда. "AgroGroul" лабораторияси ана шулар жумласидандир. Айни пайтда мазкур корхона бутун вилоятга хизмат қилмоқда. Иқтисодий кўрсаткичининг тобора юксалиши ва хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортиб бораётганининг яна бир муҳим омилли шуки, туман вилоят марказига анча яқин. Шунингдек, Зарафшон дарёси бўйида ўнлаб янги хизмат кўрсатиш ва дам олиш масканларининг ишга туширилиши туфайли туманнинг иқтисодий кўрсаткичлари тобора салмоқли бўлаётди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Юртбошимизнинг Самарқанд вилоятга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижроси доирасида жами қиймати 872 миллиард сўм (шундан 795,2 миллиард сўм ўз маблағи, 12,2 миллиард сўм бунёд кредити, 5,7 миллион доллар хорижий кредит, 386 минг доллар хорижий инвестиция) бўлган 72 та истиқболли лойиҳа амалга оширилади. Бугунгача эса уларнинг 34 та 90,3 миллиард сўмга ишга туширилиб, 300 та янги иш ўрни яратилган. Йил якунига қадар эса "Sardor sport klub", "Anisa fayz", "Absolute chance" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда "Agro gumush jomboj" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси каби 23 та 161,5 миллиард сўмлик лойиҳалар ишга туширилиши натижада яна 400 тага яқин янги иш ўринлари яратилади.

Маълумки, Жомбой асосан

мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган. Яъни, ҳар йили туманда 216,26 минг тонна маҳсулот етиштирилади. Лекин айни пайтгача унинг атиги 19,8 тоннаси — 9,1 фоизи экспорт қилинган, холос. Негаки, ҳудудда мева-сабзавотларни саралайдиган ва сақлайдиган логистика марказлари етарли эмасди. Энди эса 286 та корхона маҳсулотларини экспортга йўналтириш, бунинг учун янги музлаткичи омборхоналар, логистик хизмат марказлари ҳамда қайта ишловчи корхоналарни кўпайтириш устида иш олиб боришмоқда. Шунингдек, мева-сабзавотчилик салоҳиятини янада ошириш мақсадида Андижон тажрибаси асосида "Маҳаллабай" ишлаш тизими ташкил этилмоқда.

— Бундан ташқари, 2022-2026-йилларда туманимизда 9 та кичик саноат зоналарини ташкил этишни режалаштирганмиз. Мазкур кичик саноат зоналарида 5,6 миллиард сўмлик инфратузилма иншоотлари (электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминоти, автомобиль йўллари) курилади. Энг асосийси, кичик саноат зоналарида қиймати 282,8 миллиард сўмлик 449 та лойиҳа жойлаштирилади. Қарийиб 6000 та янги иш ўринлари яратилади, — дейди туман ҳоқими сўзини давом эттириб. — Масалан, "Назар" кичик саноат зонасида лойиҳа қиймати 13 миллиард сўмлик бўлган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, автомобиль жиҳозлари ишлаб чиқариш, тикувчилик цехи, ип-калавва матоларини ишлаб чиқариш сингари лойиҳалар ишга туширилади. Қолаверса, келгуси 5 йилда саноат йўналишида ҳам қиймати 1 триллион сўмлик 75 та лойиҳа амалга оширилиб, 3000 та янги иш ўринлари яратилади. "Ургут" эркин иқтисодий зонасининг Жомбойда ташкил қилинаётган филиалида 107,6 гектар майдонда 10 та янги кичик саноат зонаси ишга туширилади. Натижада уларнинг барчасида экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 23 гектар майдонни эгаллайдиган "Агрологистика" мажмуаси орқали эса йилга 140 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Ҳа, бугун жомбойликларнинг кайфияти аъло. Чунки уларнинг рўзғорининг, дастурхонини тўқин-сочин. Бу эса туман аҳлини янги эзгу мақсадлар сари ҳамда қайси жабҳада бўлмасин, фидойилик билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Азим ҚОДИРОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2021 йил 17 августдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони мувофиқ, 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 1,1 баробарга оширилди.

### ИНСТИТУТ РЕКТОРИ ВА БОШ ҲИСОБЧИСИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Албатта, бошқа бюджет ташкилотлари ходимлари сингари Андижон давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳам бундан хурсанд бўлиши. Аммо улардан 221 нафарининг қувончи узокқа чўзилмади.

Ҳап шундаки, институт ректорининг 2021 йил 15 сентябрдаги 319-хш-сонли буйруғига асосан, август ойидаги ҳашар учун 743 нафар ходимнинг сентябрь ойи иш ҳақидан 100.000 сўмдан 300.000 сўмгача бўлган миқдорини ушлаб қолиниб, жами 150 миллион сўмдан ортиқ маблағ "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг Андижон вилоят бўлимига ўтказиб берилган. Мазкур буйруқнинг қабул қилинишига олийгоҳ касабга уошмаси қўмитасининг 2021 йил 15 сентябрдаги қарори асос сифатида олинган бўлса-да, бу қарор фақатгина қўмита раиси А.Абдурахмонов томонидан имзоланган, холос. Бироқ, айни масалада ходимлар иштирокида қўмита аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилмаган ва йиғилиш баёни расмийлаштирилмаган. Энг асосийси, иш ҳақидан ушлаб қолишда 522 нафар ходимдан розилик аризалари олингану, қолган 221 нафаридан эса олинмаган. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 164-моддасида ходимнинг ёзма розилиғи билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкинлиги белгиланган. Бироқ институт мастуъллари қонуннинг ушбу талабларини қўпол равишда бузган. Хусусан, "Болалар жарроҳлиғи" кафедраси катта ўқитувчиси Ж.Ибрагимов номидан ойллик иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида ариза ёзилиб, имзоси сохташтилган. "Биологик кимё" кафедраси катта ўқитувчиси И.Маматова, Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Н.Буранова ва "Неврология" кафедраси мудири У.Абдуқаҳоровлар эса умумхалқ хайрия ҳашарида иштирок этмаган бўлсалар-да, бухгалтерия томонидан иш ҳақларидан ушлаб қилинган. Гарчи, Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишда И.Маматова ва У.Абдуқаҳоровлар иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида ариза берганликларини билдиришсада, бухгалтерияда уларнинг аризалари топилмади. Н.Буранова бўлса умуман розилик аризаси ёзма-ганлигини маълум қилди.

Бундан ташқари, институтнинг кадрлар бўлими ва девонхонасида иш юритиш амалдаги қонунчилик талаблари асосида йўлга қўйилмаганлиги ҳам аниқланди. Шу боис вилоят адлия бошқармаси томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор ходимларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан институтга тақдимнома, шунингдек, тилга олинган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш сўралиб, Андижон вилоят бандлик бош бошқармасига таклиф киритилди. Оқибатда муассасанинг даволаш факультети декани, катта юристконсулти, ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи ҳамда девонхона ва архив бўлими мудирига "Ҳайфсан" интизомий жазоси берилди. Қолаверса, Андижон вилоят бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг 2021 йил 11 октябрдаги тегишли қарорлари билан институт ректори ва бош ҳисобчиси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси 1-қисмига мувофиқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 ҳамда 5 баравари миқдорига жарима жазосига тортилди.

Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ, Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

### ЭЪЛОНЛАР

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 29 сентябрь кунини "KITOB YURIDIK NIHOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Норбобов Ахтам Зайирович бошқарма томонидан 2019 йил 24 апрелда берилган KS 000193-рештр рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини беручи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 152-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 28 сентябрдаги 11-сон йиғилиш қарорига асосан Қарши шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Курбанова Гулшаб Бахриддин қизига (лицензия KS 0032, 2020 йил 27 апрель) вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган ҳусусий нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини беручи лицензиянинг амал қилиши 2 ой муддатда, жорий йилнинг 29 сентябрь кунидан 29 ноябрь кунига қадар тўхта-тилди.

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 152-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 28 сентябрдаги 11-сон йиғилиш қарорига асосан Қарши шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Шовкатов Шухрат Шовкат ўлига (лицензия KS 0018, 2020 йил 24 апрель) вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган ҳусусий нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини беручи лицензиянинг амал қилиши 1 ой муддатда, жорий йилнинг 29 сентябрь кунидан 29 октябрь кунига қадар тўхта-тилди.

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 152-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 28 сентябрдаги 11-сон йиғилиш қарорига асосан Қарши шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алпарова Зухрайа Чиринқонова (лицензия KS 0034, 2020 йил 27 апрель) ҳамда Қарши шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шугулланувчи нота-

риус Турдиев Улуғбек Устамовичларга (лицензия KS 0003, 2020 йил 22 апрель) вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган ҳусусий нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини беручи лицензиянинг амал қилиши 1 ой муддатда, жорий йилнинг 29 сентябрь кунидан 29 октябрь кунига қадар тўхта-тилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2021 йил 30 сентябрдаги буйруғига асосан "SHOKIROV AKBAR OLMOVICH" адвокатлик бюроси адвокати Шокиров Акбар Олимовичнинг (лицензия 03.12.2020, ВН №000170, адвокатлик гувоҳнома №171, 30.12.2020 й.) адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини беручи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми у айбланувчи тарихида жалб этилган пайтдан бошлаб ва суд ҳукми қонуний кучга кирганига қадар ёхуд реабилитация қилгучи асосларга биноан уни янада жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинунига қадар бўлган муддатда тўхта-тилди.

Инсон ва ҚОНУН  
МУАССИС:  
ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASИ  
АДЛИЯ ВАЗИРАТИ  
"Адолат" миллий ҳуқуқий  
адаборт маркази наشري  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва адаборт  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган  
1138 2020-7817  
7 72 010 78 00 04

Бош муҳаррир  
Кўчор НОРҚОБИЛ  
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Раёвиев Шеразд Миржалилович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган  
қўлёмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.  
Навбатчи  
Маруза Ҳосилова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137  
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер  
базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда,  
2 Босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон"  
нашриёт-матбаа ижодий уюнда чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,  
30-уй.  
Тиражи — 4000  
Буюртма — V-4883

Нашр индекси: 137  
Топшириш вақти — 19:00  
Топшириғи — 19:30

МАНЗИЛИМИЗ:  
100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97  
Обуна бўлими: 277-02-57  
Баҳоса келишилган нархда  
1 2 3 4 5

ҲИКОЯЛАР

# Чиновникнинг ўлими



Антон ЧЕХОВ (1860-1904)

каради. Мана шунда хижолат бўлиб қолди. Қараса олдида ўтирган чол перчаткаси билан тепакал бошини, бўйинни артиб, дўнғиллаёттипти. Червяков чолни таниди: бу чол статский генерал Брижжалов бўлиб, темир йул маҳкамаида хизмат қиларди.

— Мен унга тупук сачратдим, — деб ўйлади Червяков. Менинг бошлигим эмас, бегона, шундай бўлса ҳам яхши эмас, афв сўраш керак!..

Червяков йўталди, бироз олдинга энгашиб генералнинг қулоғига пичирлади:

— Кечиринг, жаноби олийлари, беодобилик бўлди... Мен билмасдан...

— Майли, майли...  
— Худо хақи, кечиринг. Ахир мен... Қандок қилди...

— Худо хақи, кечиринг. Ахир мен... ўзимга қолса шундок бўлсин депманми!

— Оббо, тек ўтирсангизчи, азбаройи худо! Қўйинг, эшитайлик!

Червяков хижолат бўлди, илжайди ва саҳнага қаради. У саҳнага қараркан, энди роҳат қилмай қолди. Унинг юраги ғаш бўла бошлади. Антракт вақтида Брижжаловга яқин келди, унинг олдида бироз юрди ва ўзини дадил тутиб қўлдирди:

— Мен сизга билмасдан тупук сачратдим, жаноби олийлари... Кечиринг... Ахир мен... Наники...

— Э, қўйсангиз-чи... Мен аллақачон эсимдан чиқариб юбордим-у, сиз ҳали ҳам ўша гапни гапириб юрибсиз! — деди генерал ва тажан бўлиб пастки лабини кимиради.

— Қўзлари қонга тўлиб турибди-ю, тагин эсидан чиққан эмиш, — деб ўйлади Червяков, генералга шубҳа билан қараб. — Гапиргиси

ҳам келмайди. Унга тушунтиришим керак, ўзимга қолса... Бу табиат қонуни, ахир. Тушунтирмасам менга тупурди, деб ўйлайди. Хозир ўйламаса, кейин ўйлайди!..

Червяков қилган адабсизлигини уйига келиб, хотинига гапириб берди. Червяковнинг фахмича хотини бу воқеага энгилтаклик билан қаради: у фақат қўриқ кетди-ю, Брижжалов эрининг началниги эмаслигини билганидан кейин, кўнгли жойига туша қолди.

— Шундай бўлса ҳам бориб узр сўра, — деди у. — Бўлмаса халқ орасида ўзини туголмас экан, деб ўйлайди!

— Мана шуниси бор-да! Мен узр сўрадим, лекин хайронман... Бир оғиз ҳам дуруст гап айтмади. Гаплашишга фурсат ҳам бўлгани йўқ.

Эртаси куни Червяков янги вицмундирини кийди, сочини олдириди ва изох бергани Брижжаловнинг олдига кетди... Генералнинг қабулхонасида арзга келган бирмунча одам ўтирган экан. Генерал арз сўрамоқда эди. У бир неча кишидан арз сўраб бўлиб, Червяковга қаради.

— Кеча, жаноби олийлари, агар эсларида бўлса, — деб сўз бошлади экзекутор, — мен "Аркадия" да чуқурдим... Билмасдан жаноби олийларига тупук сачратдим... Кечира...

— Шу ҳам гап бўлди-ю... Тавба! Сизнинг нима арзингиз бор? — деди генерал наватбадаги қишига.

"Гапиргиси ҳам келмаяпти, — деб ўйлади Червяков ранги ўчиб, — хафа бўлибди... йўқ, кўнглидан чиқармасам бўлмайди... Тушунтираман..."

Генерал одамлардан арз сўраб бўлганидан кейин ичкари уйга кириб кетаётган эди. Червяков унинг кетида эргашиб қўлдирди:

— Жаноби олийлари! Агар жанобларини безовта қилишга ҳаддим сизга, фақат пушаймонлигимни изхор қилиш вақидан деб биласиз!.. ўзларига маълум, жўртга қилганим йўқ!

Генерал афтини буриштириб, қўл силтади ва ичкарига кириб кетар экан:

— Сиз мени калака қилаётибсиз, мухтарам афанди, — деди.

"Калака нимаси! — деди ичиди Червяков. — Менинг ҳеч бунақа ниятим йўқ! Генерал бўла туриб, шуни билмайди-я! Бунақа бўлса мен бу такаббурдан узр сўраб ўтирмайман! Минг лаянат! Хат ёза қоламан, энди келиб юрмайман. Худо урсин, келмайман!"

Червяков уйга кетаётиб шуни кўнглидан кечирди. У генералга хат ёзмади. Ўйлаб-ўйлаб нима деб ёзишни билмади. Эртасига яна генералнинг олдига боришга тўғри келди.

— Мен кеча келиб сизни безовта қилган эдим, жаноби олийлари, — деди у генерал бошини кўтариб унга қараганда. — Сиз айтмоқчи, мен калака қилганим йўқ. Сизга узр айтгани келган эдим. Калака қилиш ҳаёлимга ҳам келган эмас. Наҳот, калака қилгани ҳаддим сизга? Агар биз калака қилганим бўлса у вақтда, демак, улуғларда хурмат қоладими.

— Йўқол!  
— деб бақирди бирданнига генерал кўкариб, титраб-қакшаб.

— А? — деди антрайиб қолган Червяков сенин.

— Йўқол!  
— деб қичқирди генерал яна, ер тепиниб. Червяковнинг қорнида нимадир узилиб кетди. У ҳеч нимага қарамай, ҳеч нимани эшитмай, эшикка тисарилиб борди, кўчага чиқиб, жўнаб қолди...

— Уйига қандай борганини ҳам билмай, вицмундирини ҳам ечмай, диванга ётди-ю... ўлиб қолди.



# Чикди

ТУШГИ овқатни еб бўлишди. Қоринлар тўйиб, димоғлар чоғ; эснаб, ширин уйку босиб, кўзлар биё-биё. Эр сизга чекди, керишди ва кушеткага ўзини ташлади. Хотин унинг бош томонида ўтириб, мушукка ўхшаб хириллади... Эр-хотин бахтиёр эди.

— Гапирсанг-чи, — деди эр эснаб.  
— Нима деятинг? Хм... Ха, айтгандай! Эшитдингми? София Окуркова ҳалиги... оти нима эди-я... Фон-Трамбга тегитти! Буни қара-я!

— Тегса, тегитиб-да, нима қитти?  
— Трамб разил одам-ку, ахир! Шундай ҳам ярамас... Шундай ҳам виждонсиз одамки! Бунақа туттуриқсиз, бетамиз махлук дорига ҳам топиламайди. Ахлоқини ҳам асти қўявер! Графнинг иш бошқарувчиси эди, шунинг орқасидан кўп дунё орттирди, энди темир йўлда ишлаб, ўғирлик қилади... Синглисини форат қилди... Қўсқаси кўп ярамас ва ўғри... Шунақа одамга тегадими киши?! Шу билан умр қиладими киши! Хайронман! Шундай бинойи киз бўлса-ю... Шунақа қилиб ўтирса-я! Бунақа махлукка ўлсам ҳам тегмас эдим! Миллионер бўлса ҳам барбир тегмас эдим! Дунда якка-ю ягона чиройли бўлса ҳам афтига туфлар эдим. Тоқатим борми разил эрга!

Хотин ириб ўрнидан турди ва қипқизарган, газабланган ҳолда уйда нари-бери юрди. Унинг кўзлари газабдан ёнар, сўзлари самимий эканлиги очик кўриниб турар эди...

— Бу Трамб шунақа махлук. Шунақа одамларга тегадиган хотинлар ўлардай аҳмоқ, ўлардай шарманда хотинлар!

— Хм... Сен, албатта тегмас эдинг... Хм... Борди-ю мен ҳам разил одам бўлсам-чи? Нима қилар эдинг?

— Менми? Сендан чиқар эдим! Бир сония ҳам сен билан умр қилмас эдим! Мен фақат пок кишини яхши кўроламан, ҳолос. Агар Трамб киши ишларнинг издан бирини қилганини билиб қолсам борми... Тамом!

— Хм... Ҳали шунақаман дегин... Мен билмаган эканман. Ха-ха-ха... Бақрайиб туриб ёлгон гапирди-я!

— Мен умримда ёлгон гапирган эмасман! Қани, разиллик қилиб кўр-чи, нима қилар эканман!

— Нима ҳожати бор? Ўзинг биласан... Мен ўша сеннинг Фон-Трамбининг бир чўқишда қочираман!.. Трамбини менга қараганда қисасур деса бўлади. Нега қўзингни лўқ қиласан?

— Ажаб... (Пауза). Мен неча пуй ойллик оламан?  
— Бир йилда уч минг сўм.

— Бундан бир ҳафта бурун олиб берганим марварид неча пулга келди? Икки минг... Шундай эмасми? Кеча олиб берган кўйлагим беш юз... Дача икки минг... Ха-ха-ха... Кеча отахонинг бир мингги ўмариб кетди...

— Ахир, Пьер, бошқа даромадлар ҳам...  
— Отлар... Шахсий доктор... Машиначиларнинг счётлари. Бундан уч кун бурун ўш сўмини ўзинг қартага бой бердинг...

Эр бошини кўтарди, чаккасига муштини тираб, бутун бошлик бир айбнома ўқиб берди; ёзув стилининг ёнига бориб бир неча далил ва ҳужжатлар кўрсатди.

— Мана, кўрдингми, жоним, фон-Трамбинг менинг олдимда чакана ўғри, қисасур! Минбаъд биров тўғрисида бунақа дема!

Мен ҳикоятни тамом қилдим. Эҳтимол қитобхон: — Хотин чикдими? — деб сўраб.

— Ха... чикди. Лекин эрдан эмас, нариги уйга чикди.

Абдулла ҚАҲҲОР таржималари

# СЕМИЗ ва ОРИҚ

НИКОЛАЕВ темир йўлининг вокзалида икки ошна учрашиб қолди. Бир семиз, бири ориқ. Семиз хозиргина вокзалда овқат еган — ёлғиз лаби пишган олчадай яттираб турибди. Ундан херес виноси ва флерд оранже деган атирнинг хиди келар эди. Ориқ эса вагондан хозиргина тушган ва чемодан, тугун, картонлар кўтариб олган эди. Ундан вetchина ва қаҳва хиди келар эди. Унинг орқасида ориқ, чўзиқ юзли хотини, қисик қўзли новча гимназист ўғли турибди.

— Порфирий! — деди семиз, ориқни кўриб. — Семисан! Бўталогим! Неча-неча ёз, неча-неча қишлар ўтиб кетди! — Э! — деди ориқ хайрон қолиб. — Миша! Биродарим! Қалдроним. Хўп эсон-омон бормасми? Ошлар қайта-қайта, уч марта, оғиз-бурун ўпишгандан кейин кўзларига ёш олиб тикилишди. Иккови ҳам ўзида йўқ хурсанд бўлиб довдираб қолди. — Азизим! — деди ориқ оғиз-бурун ўпишгандан кейин. — Буни қара-я! Хўп учрашиб қолдик-да! Қани менга тузукрок қарачи! Ҳали ҳам ўша илгаригидек, чиройликсан-а! Ҳамон ўшандай жонон, олифта! Оббо сен-ей! Хўп қалайсан? Бойдингми? Хотин олдингми? Мен уйландим, мана... Бу хотиним, Луиза Ванценбах... Лютеран маҳаббиди... Бу эса ўғлим Нафанаил, учинчи классда ўқийди... Нафанаил, бу киши менинг кадрдон дўстим! Гимназияда бирга ўқиганмиз. Нафанаил бироз ўйлаб туриб, шапкасини бошидан олди. — Гимназияда бирга ўқиганмиз, — деди ориқ давом этиб. — Эсингда борми, сени нима деб калака қилишарди? Ҳукумат қитобини папирос

билан қуйдирганинг учун сени Герострат\* деб калака қилишар эди. Мен чакимчи бўлганим учун Эфиальт\* деб калака қилишарди. Ха-ха... Бола эдик! Тортинма, Нафана! Яқинроқ кел... Бу менинг хотиним Ванценбах... Ўзи лютеран...

Нафанаил бироз ўйлаб туриб, ўзини отасининг орқасига олди.

— Хўш, ишлар қалай, дўстим? — деди семиз, дўстига назар ташлаб. — Бирон жойда хизмат қиласанми? Каттароқ амалга миндигми?

— Хизмат қиламан, дўстим! Икки йилдан бери коллежский ассессорман, Станислав\* олдим. Маошининг мазаси йўқ... Садкайсар-куя! Хотиним музика дарси беради, мен уйда ёғочдан портсигар қилиб сотаман. Жула галати портсигарлар ясайман. Бигтаси бир сўм. Улғуржи оладиган одамга арзонроқ қилиб бераман. Сабаби тирикчилик-да. Департаментда хизмат қилар эдим, шу маҳкама бўйича бу ёкка ишлар мудир бўлиб келдим... Шу ерда хизмат қиламан. Хўш, сенчи? Статский советник бўлгандирсан, дейман? А?

— Йўқ, азизим, юкорирокдан келавер, — деди семиз. — Мен тайиний советник бўлиб қолдим... Ижкита Олдузим\* бор. Бирданнига ориқнинг ранги оқариб кетди, тошдай қотиб қолди, лекин сал ўтмай юзи тарвайиб, қуйдирган қалладай иржайди; худди юз-қўздан учқунлар ёғилаётганга ўхшар эди. Ўзи қўнишди, букчайди...



чамадонни, тугуну ва картонлари ҳам буришиб қолгандай бўлди... Хотиннинг чўзиқ юзи яна ҳам чўзилди; Нафанаил ғоз туриб, мудирининг ҳамма тугмаларини солди... — Менинг жаноби олийлари... Кўп яхши!.. Болалигиндан бери дўст бўлиб юрган кишинг шундай мартабага етса! Хи-хи!

— Қўйсангчи! — деди семиз афтини буриштириб. — Бу гапларининг нима кераги бор? Бирга, кўрпа тепишиб катта бўлган одамларимиз, мунча эхтиром-у қўл қовуштиришининг нима кераги бор!

— Қўл қовуштирмасдан бўлар эканми... Наники... — деди ориқ яна ҳам қўнишиб, жанобларнинг назари марҳаматлари!.. Гўёки обихаёт... Бу жаноби олийлари, ўғлим Нафанаил... хотиним Луиза, лютеран, бир даража...

Семиз унга қарши нимадир демокчи эди, унинг юзиданги ортқ даражада бўлган мутелик, хоксорлик аломатлари энасини қотириб юборди. У ўтирилиб, хайрлашгани қўл узатди. Ориқ бутун вужуди билан таъзим қилиб хайрлашди ва хитойча хи-хилади. Хотин илжайди. Нафанаил товоғи билан қадам ташлайман деб шапкасини қўлидан тушириб юборди. Учқови ҳам ўзида йўқ хурсанд эди.